



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 24 yil « 12 » avgust

№ 500

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрда қабул қилинган “Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–208-сон Фармони ҳамда “Оилаларни мустаҳкамлаш ва хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–401-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги ПФ–208-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг (кейинги ўринларда – Қўмита) бўйсунуви Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигидан Вазирлар Маҳкамасига ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

Қўмитанинг мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби;

Қўмита раҳбариятининг ҳамда ҳудудий бўлинмаларининг асосий функционал вазифалари ва жавобгарлиги;

Қўмита фаолиятини молиялаштириш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тартиби.

3. Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида юридик шахс бўлмаган Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитасини ривожлантириш ва ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитасини ривожлантириш ва ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаси тўғрисидаги низом **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки, 2024 йилдан бошлаб ҳар йили Давлат бюджети параметрларида Жамғарма учун 15 млрд сўмдан кам бўлмаган миқдорда маблағ ажратиш назарда тутилади.

6. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Қўмита билан биргаликда мазкур қарор ижроси юзасидан 2024 йил учун тасдиқланган харажатлар сметасига тегишли ўзгартириш киритилишини таъминласин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари маҳаллий бюджет маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармалари, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорлари **3-иловага** мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Қўмита манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари З.Б. Махкамова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг (кейинги ўринларда – Қўмита) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш ва ҳисобот бериш тартибини белгилайди.

2. Қўмита оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини юритадиган алоҳида мақомга эга республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига (кейинги ўринларда – Вазирлар Маҳкамаси) бўйсунди.

3. Қўмита ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

4. Қўмита ўз фаолиятини республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширади.

5. Қўмитанинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

6. Қўмита, Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармалари юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган муҳрга ва бланкаларга, ўз логотипига, мустақил балансига, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида миллий ва хорижий валюталарда шахсий ғазна ҳисобварақларига эга бўлади.

Қўмитанинг туман (шаҳар) бўлимлари Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармалари орқали марказлашган тарзда молиялаштирилади.

7. Қўмитанинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи – Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, қисқартирилган номи – Оила ва хотин-қизлар қўмитаси;

б) рус тилида:

тўлиқ номи – Комитет семьи и женщин Республики Узбекистан, қисқартирилган номи – Комитет семьи и женщин;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи – The Committee on Family and Women of the Republic of Uzbekistan, қисқартирилган номи – The Committee on Family and Women.

8. Қўмитанинг жойлашган жойи (почта манзили): 100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Исмоилий кўчаси, 1 Г-уй.

2-боб. Қўмитанинг тузилмаси

9. Қўмита тизимида қуйидагилар қиради:

Қўмитанинг марказий аппарати;

Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармалари (кейинги ўринларда – ҳудудий бошқармалар);

туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари (кейинги ўринларда – туман (шаҳар) бўлимлари);

Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти;

Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси; республика ва ҳудудий “Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари”;

Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссияси;

маҳалладаги хотин-қизлар фаоллари;

“Олима аёллар” жамияти;

“Саодат” журнали, “Марказий Осиёда жамият, гендер ва оила” халқаро илмий журнали таҳририяти.

10. Ҳудудий бошқармалар Қўмитага ҳамда тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ҳисобот беради.

Туман (шаҳар) бўлимлари тегишли ҳудудий бошқармалар ва туман (шаҳар) ҳокимликларига ҳисобот беради.

Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти, Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси, республика ва ҳудудий “Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари”, Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссияси, “Саодат” журнали, “Марказий Осиёда жамият, гендер ва оила” халқаро илмий журнали таҳририяти Қўмитага ҳисобот беради.

Қўмита иқтидорли хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш масаласида “Олима аёллар” жамияти билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

3-боб. Қўмита ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг асосий вазифалари ва функциялари

11. Қуйидагилар Қўмитанинг асосий вазифалари ҳисобланади:

хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қонуний манфаатларини ифодалаш;

эркаклар ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини таъминлаш, хотин-қизлар ва оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга оид қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат хизмати, таълим, илм-фан ва инновация, спорт, соғлиқни сақлаш ҳамда бошқа ижтимоий-иқтисодий соҳаларда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

иқтидорли хотин-қизларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш;

хотин-қизларнинг касбий кўникмаларини ошириш, муносиб иш топишига кўмаклашиш, тадбиркорлигини ривожлантириш;

оила аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ижтимоий ходим ва бошқа давлат хизматчилари билан ҳамкорликда хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш;

оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, соғлом овқатланиш ҳамда репродуктив саломатлик қоидаларини оммалаштириш;

оила институтини мустаҳкамлаш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, умуминсоний ва миллий қадриятларни тарғиб қилиш;

миграциядан қайтган, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларнинг ижтимоий мослашувига, улар билан манзилли ишлаш орқали зарур ёрдамлар олишларига кўмаклашиш;

кейс менежментни қўллаган ҳолда, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни аниқлаш ҳамда улар билан манзилли ишлаш;

ўзига юкланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун давлат ташкилотлари, халқаро молия институтлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатиш;

маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга бириктирилган жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорликни таъминлаш.

12. Қўмита ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қонуний манфаатларини ифодалаш соҳасида:

хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали ижросини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги роли ва фаоллигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва тегишли чора-тадбирларни амалга оширади;

хотин-қизларни оила, маҳалла ва меҳнат жамоаларида ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўйича мақсадли чора-тадбирларни амалга оширишда Қўмитанинг ҳудудий бўлинмалари ишини самарали ташкил этиш чораларини кўради;

хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлашга доир ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилади;

оилалар ва хотин-қизлар, айниқса, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган оилалар ва хотин-қизларни ижтимоий ҳамда моддий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уларнинг таълим олиш имкониятларини кенгайтириш ва эҳтиёжлари қондирилишида ҳар томонлама ёрдам беришни ташкил этади;

хотин-қизлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кўзлаб, судларга ариза (шикоят) ва даъволарни киритади;

хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ижтимоий шериклик тизимини ривожлантиришга, республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорлик тамойилларининг амалга оширилишига кўмаклашади;

жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг тотувлиги ва фаровонлиги мустаҳкамланишига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган, шунингдек, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, жойларда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш ва миллий қадриятларни кенг тарғиб этиш борасида ибратли фаолият олиб бораётган хотин-қизларни “Мўътабар аёл” кўкрак нишони билан тақдирлаш ишларини ташкил этади;

хотин-қизлар ўртасида ҳар йили уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва фаоллигини оширишга қаратилган турли кўрик-танловларни ташкил этади;

идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, уларнинг фаолиятини таҳлил қилади, мувофиқлаштиради, мазкур ташкилотлар раҳбарлари билан ҳамкорликда уларнинг самарали ишлашини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси топшириқларига биноан ҳамда ўз ташаббусига кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун киритади;

фаолиятнинг белгиланган соҳасига тегишли масалалар бўйича ҳужжатлар қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамасига хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қонуний манфаатларини ифодалаш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун киритади;

вазирликлар ва идоралар, хўжалик бирлашмаларининг оила ва хотин-қизлар масалалари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, ривожлантириш дастурлари лойиҳаларини келишади;

ўз ваколати доирасида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

б) эркаклар ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини таъминлаш, хотин-қизлар ва оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга оид қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш соҳасида:

жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эришишга қаратилган ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлашда иштирок этади;

қонунчиликда белгиланган хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш чораларини кўради;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

қонунчиликда белгиланган хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини бериш тўғрисидаги статистика маълумотлари ва ахборотларни тўплаш ҳамда таҳлил қилишни ташкил этади;

республика ижро этувчи ҳокимият органларига, ташкилотларга ва уларнинг мансабдор шахсларига хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишлари, шунингдек, уларни келтириб чиқарувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан чоралар кўриш ҳақида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритади;

қонунчиликда белгиланган хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

зарур ҳолларда, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассисларини жалб қилади, ишчи гуруҳлар тузади ва тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси томонидан хотин-қизлар ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларнинг муҳокама қилинишида, шунингдек, гендер тенглик, аёллар масалалари билан шуғулланувчи ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатларини кенгайтириш, ёшларга ва ижтимоий соҳаларга оид бошқа масалалар юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқишида иштирок этади;

в) давлат хизмати, таълим, илм-фан ва инновация, спорт, соғлиқни сақлаш ҳамда бошқа ижтимоий-иқтисодий соҳаларда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида:

олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда хотин-қизларни илм-фанга кенг жалб этиш, улар ўртасида инновацияларни ривожлантиришга оид чора-тадбирларни амалга оширади;

узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, хотин-қизлар ва эркакларни бутун умр давомида ўқишга бўлган имкониятларини рағбатлантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни олий таълим билан қамраб олишни кенгайтиришга кўмаклашади;

хотин-қизларни илмий фаолиятга кенг жалб қилиш, уларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган дастурий ишланмаларини, инновацион ғояларини, ихтирочилик, рационализаторлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларни амалга оширади;

мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, соғлиқни сақлаш ҳамда эркаклар улуши кам бўлган бошқа соҳаларга аёллар билан тенг равишда эркакларни жалб қилишга доир фаолиятни қўллаб-қувватлаш борасида таклифлар ишлаб чиқади;

хотин-қизлар томонидан яратилган инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни кенг тарғиб қилиш мақсадида халқаро ва республика миқёсидаги форум, конференция, симпозиум, семинар, танлов ва кўргазмалар ташкил қилиш ҳамда уларда хотин-қизларнинг ўз инновацион лойиҳалари натижалари билан иштирок этиш чора-тадбирларини амалга оширади;

давлат органлари, халқаро донорлар, йирик корхона ва бошқа ташкилотлар томонидан долзарб мавзулардаги лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида ўтказиладиган танловларда хотин-қизларнинг ўз лойиҳалари билан иштирок этишларини тарғиб қилади;

олима, тадқиқотчи, ихтирочи ва тадбиркор хотин-қизлар томонидан амалга оширилаётган ишлар натижалари юзасидан кенг оммани хабардорлигини ошириш бўйича турли тадбирлар ташкил этади;

г) иқтидорли хотин-қизларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш соҳасида:

иқтидорли хотин-қизларни аниқлаш, уларнинг қобилиятларини тўғри йўналтириш бўйича оила, маҳалла, таълим муассасалари ҳамда меҳнат жамоалари билан ўзаро ҳамкорлик механизминини йўлга қўяди;

иқтидорли хотин-қизларни аниқлаш, улар билан манзилли ишлаш, қобилиятларини тўғри йўналтириш ва рағбатлантиришга, сиёсий, ҳукукий ва касбий билимларини, бошқарув кўникмалари ва лидерлик сифатларини ривожлантиришга қаратилган ўқувлар ташкил этади;

хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, “Қизларжон” ва бошқа жамоатчилик тузилмаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

иқтидорли хотин-қизларни раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш ва тавсия этишга кўмаклашади;

иқтидорли қизларни аъло хулқи, ноёб истеъдоди, зукколиги, ташаббускорлиги ва ўқишдаги муваффақиятлари асосида белгиланган тартибда Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш ишларини ташкил этади;

мамлакатимизда хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш бўйича берилган имтиёз ва имкониятлар ҳақида тарғибот тадбирларини ташкил қилади;

маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари томонидан таълим муассасаларидаги ўқувчи қизлар билан уларнинг таълим олишга қизиқтиришга қаратилган тадбирларни ташкил этишига кўмаклашади;

д) хотин-қизларнинг касбий кўникмаларини ошириш ва муносиб иш топишига кўмаклашиш, тадбиркорлигини ривожлантириш соҳасида:

хотин-қизлар, хусусан, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизларнинг касбий кўникмаларни ошириш, уларни меҳнат бозорида рақобатбардош касб-ҳунарларга ўқитиш ва муносиб иш топишига кўмаклашади;

хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб қилиш, касаначилик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш чораларини кўради;

хотин-қизларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича иш берувчиларга таклифлар киритиб боради;

маҳаллаларда хотин-қизларни касбга ўқитиш, уларнинг молиявий саводхонлигини ошириш, уларда тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳиссини уйғотиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва тегишли чора-тадбирларни амалга оширади;

тадбиркорлик фаолиятини юритаётган ва йўлга қўйиш истагида бўлган хотин-қизларга тижорат банклари томонидан белгиланган тартибда кредитлар, Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан грантлар ажратилишига кўмаклашади;

маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг ҳудуддаги тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимлари ёрдамчилари билан ҳамкорликда хотин-қизларнинг тадбиркорлик ғояларини амалга ошириш, улар фаолиятига кредит, субсидия ва бошқа ёрдам чораларини жалб қилиш ишларини ташкил этиш юзасидан услубий ва амалий тавсиялар беради;

жойларда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, улар ўртасида тадбиркорликни, хунармандчиликни ривожлантириш бўйича кўрилатган амалий чоралар самарадорлигини мониторинг қилади;

республика ва ҳудудий “Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари” фаолияти самарали ташкил этилишига кўмаклашади;

хотин-қизларни хунармандчилик, оилавий тадбиркорлик, касаначиликка жалб қилиш бўйича нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади;

е) оила аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ижтимоий ходим ва бошқа давлат хизматчилари билан ҳамкорликда хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш соҳасида:

оила аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга оширади;

хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали ижросини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва тегишли чора-тадбирларни амалга оширади;

давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда ҳуқуқий маданиятни, шу жумладан, хотин-қизлар ва эркаларнинг тенг ҳуқуқлилигига оид тушунчаларни сингдириш, зўравонликка мурасасизлик ҳиссини шакллантиришга қаратилган тарғибот ишларини ташкил этади;

хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш борасида амалий тарғибот ва туркум тадбирларни ташкил этади;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий дастурларни ва қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларига олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш бўйича тадбирларни ташкил этади ва бундай ҳолатларни бартараф этиш юзасидан амалий чоралар кўради;

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ўтказганлиги ва зўравонлик содир этганлиги учун профилактик ҳисобда турадиган шахслар билан яқка тартибдаги профилактика тадбирларини ўтказишда иштирок этади;

низоли вазиятларнинг, тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир дастурлар ҳамда услубий тавсияларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қиладиган тегишли ваколатли органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар ва болаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга амалий ёрдам кўрсатиш йўналишида фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

зўравонликнинг олдини олиш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган ёки ўз жонига суиқасд қилган ёхуд суиқасд қилишга мойил бўлган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича халқаро ва хорижий ташкилотлар, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик қилади ҳамда ушбу йўналишда илғор хорижий давлатларнинг ижобий тажрибасини жорий этиш чораларини кўради;

хотин-қизлар ўртасида турли салбий ижтимоий ҳаракатлар, айниқса, ўз жонига қасд қилиш, фоҳишабозлик каби ҳолатларнинг сабабларини ўрганиш ҳамда натижалари бўйича маҳаллалар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда профилактика чора-тадбирлари амалга оширилишини ташкил этади;

маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари томонидан хотин-қизлар ўртасида ижтимоий профилактика ва мослаштириш ишларида ҳамкорлик қилиш, тазйиқ ва зўравонликка нисбатан мурасасизлик муҳитини яратиш, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларини аниқлаш ишларини профилактика инспектори билан ҳамкорликда ташкил этишга услубий ва амалий кўмаклашади;

ж) оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, соғлом овқатланиш ҳамда репродуктив саломатлик қоидаларини оммалаштириш соҳасида:

“Соғлом она – соғлом бола” шиори остида тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари, кенг жамоатчилик билан биргаликда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, репродуктив саломатлик қоидаларини тарғиб этиш, эрта туғруқ ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг келажак авлод саломатлигига салбий таъсирлари ҳамда ногирон болалар туғилиши ҳавфи юзасидан тарғибот ишларини олиб боради;

“Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи” умуммиллий ҳаракати дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишга кўмаклашади;

маҳаллалардаги “Саломатлик мактаблари” самарали фаолият юритишга кўмаклашади, “Саломатлик мактаби” аъзоларини жалб этган ҳолда аҳоли орасида, оила ва хонадонларда соғлом овқатланиш асослари, жисмоний фаоллик, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш бўйича семинарлар ва амалий тарғибот тадбирларини ташкил этади;

оилаларда хонадон гигиенасига риоя этилиши борасида тарғибот ишларини ташкил этади;

маҳаллаларда хотин-қизлар учун уларнинг ёшини ҳисобга олган ҳолда, турли ижтимоий-маданий ва соғломлаштириш тадбирлари, махсус спорт мусобақаларини ташкил этади;

меҳнат жамоаларида меҳнат қилаётган хотин-қизлар ўртасида спортнинг оммавий турлари ҳамда велоспорт бўйича спорт мусобақалари ўтказилишини ташкил этади;

хотин-қизларни соғломлаштириш, маданият, туризм, болаларни соғломлаштириш ва уларнинг дам олиши масалаларида давлат органлари, маҳаллалар, иш берувчилар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликни амалга оширади;

3) оила институтини мустаҳкамлаш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, умуминсоний ва миллий кадриятларни тарғиб қилиш соҳасида:

оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш, ота-онанинг фарзанд тарбиясидаги масъулияти ва жавобгарлигини ошириш, оиланинг жамият ҳаётидаги аҳамиятини кенг тарғиб этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

оила институтини мустаҳкамлаш, “Соғлом оила – соғлом жамият” гоясини ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш чораларини кўради;

замонавий оилани ривожлантириш, оиланинг ички муносабатлари, шахслараро муносабатлар, яхши кўшничилик муносабатлари, бой маданий, тарихий мерос ва анъанавий оилавий кадриятлар асосида оила институтини мустаҳкамлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва тегишли чора-тадбирларни амалга оширади;

оила-никоҳ муносабатлари соҳасидаги амалиётни ўрганиш ҳамда тажриба алмашиш борасида халқаро ва хорижий ташкилотлар, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик қилади;

оилаларга таъсирчан методик, консультатив ва амалий ёрдам кўрсатишнинг самарали тизимини яратиш, медиаторлик институтининг ролини кучайтиришда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда чора-тадбирларни амалга оширади;

никоҳланувчиларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларга оиладаги низоли ҳолатларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий ва психологик асосларини ўргатиш, оилаларни мустаҳкамлаш, эрта никоҳ ва оилавий ажралишларнинг олдини олиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва тегишли чора-тадбирларни амалга оширади;

фаровон ва барқарор оилаларнинг ҳаётий тажрибасини оммалаштириш мақсадида оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий кадриятларни сақлаш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган оилаларни “Ибратли оила” кўкрак нишони билан тақдирлаш ишларини ташкил этади;

“Соғлом оила – соғлом турмуш тарзи” тамойилини тарғиб қилиш мақсадида “оила-маҳалла-таълим” ижтимоий-тарбиявий тизими асосида тарғибот тадбирларини амалга оширади;

миллий ва умуминсоний кадриятларни асраб-авайлаш, мазмунан бойитиш, уларнинг фарзанд тарбиясидаги ролини ошириш, оилаларда тарғиб қилишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

маҳаллаларда хотин-қизларнинг маънавияти ва маданиятини юксалтириш, ижтимоий фаолликларини оширишга қаратилган тадбирларни амалга оширади, ёзувчилар, санъаткорлар, рассомлар ва бошқа ижодкорларни таклиф этган ҳолда ижодий кечалар ва китобхонлик тадбирларини ташкил этади;

маҳаллалардаги оила институтини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни амалга оширишга масъул бўлган жамоатчилик тузилмалари ишини мувофиқлаштиради;

ўқув-тарбия муассасаларида тарбияланаётган, васийликка, ҳомийликка ва оилага тарбияга олинган (патронат) қизларнинг ижтимоий ҳолатини ўрганиб боради, уларнинг муаммоларини жойида ҳал қилишга ҳамда ўқув-тарбия муассасаларидан кейин ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашади;

маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ҳамда соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини таъминлашга ҳамда оилавий кадриятларни тарғиб этиш, низоли оилаларни соғлом турмуш тарзига қайтариш ва оиланинг қонуний асосларини мустаҳкамлаш борасидаги тарғибот ишларини ташкил этишга услубий-амалий кўмаклашади;

к) миграциядан қайтган, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларнинг ижтимоий мослашувига, улар билан манзилли ишлаш орқали зарур ёрдамлар олишларига кўмаклашиш соҳасида:

миграциядан қайтган, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда уларнинг оилаларидаги ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда чора-тадбирларни амалга оширади;

миграциядан қайтган, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган хотин-қизларни меҳнат бозорида рақобатбардош касб-хунар турларига ўқитиш орқали бандлигини таъминлаш, саломатлигини тиклашга ҳамда жамият ҳаётига мослашувига кўмаклашади;

меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга чиқиб кетган хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чораларини кўради;

меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга чиқиб кетган шахсларнинг уйда қолган вояга етмаган фарзандлари турмуш тарзини ўрганиш ва қўллаб-қувватлашда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда чораларни кўради;

Ўзбекистонлик ватандош хотин-қизлар кенгаши орқали хорижда мураккаб ҳаётий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга ахборот жиҳатидан ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этади;

л) кейс менежментни қўллаган ҳолда, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни аниқлаш ҳамда улар билан манзилли ишлаш соҳасида:

уйма-уй юриш орқали хотин-қизларнинг муаммоларини, хусусан, ижтимоий хизматларга бўлган эҳтиёжини аниқлаб, кейс менежмент асосида муаммоларни ҳал этиш чора-тадбирларини амалга оширади, ушбу йўналишда маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг ишини мувофиқлаштириб боради;

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар билан манзилли ишлашда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар (кейинги ўринларда – секторлар), мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари

томонидан аёллар муаммоларининг ҳал этилиши юзасидан мониторинг юритади ва кўмаклашади;

маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларига хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишда, уларни оғир ижтимоий аҳволдан чиқаришда услубий ва амалий кўмаклашади;

оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга, шу жумладан, ногиронлиги бўлган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш тизимини шакллантириш, уларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва тегишли чоратадбирларни амалга оширади;

уй-жойга муҳтож, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган, Ижтимоий ҳимоя реестрига киритилган ҳамда ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг рўйхатини тузиш, зарур ҳужжатларни расмийлаштириш, Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ҳисобидан бошланғич бадални тўлаб бериш орқали уларни арзон уй-жойлар билан таъминлашда кўмаклашади;

оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, шу жумладан, ногиронлиги бўлган кам таъминланган оилалардаги хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларини жарроҳлик йўли орқали соғлом ҳаётга қайтариш, реабилитация воситалари билан таъминлаш чораларини кўради;

хотин-қизлар муаммолари билан ишлаш тизимини рақамлаштириш орқали хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва уларни тизимли равишда ҳал этиш юзасидан ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чораларини кўради;

маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари томонидан хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ушбу муаммолар юзасидан давлат органлари ва ташкилотларга мурожаат қилиш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш ишларини ижтимоий ходим билан биргаликда ташкил этишга кўмаклашади;

маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг асосий вазифалари бажарилишини мониторинг қилиш ва маҳаллаларда ҳал этилмаган тизимли муаммоларини юқори турувчи идораларга киритиб боради;

ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни қўллаб-қувватлаб келаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўяди;

м) давлат ташкилотлари, халқаро молия институтлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатиш соҳасида:

Қўмита тизимида давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари билан алоқаларни ривожлантириш мақсадида ҳамкорлик чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва фаоллигини ошириш,

гендер тенглик кафолатларини таъминлаш соҳаларида нодавлат нотижорат ташкилотларига кўмаклашади;

хотин-қизлар йўналишидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда кўмаклашиш чораларини кўради;

хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни эҳтиёжмандлик даражасидан чиқариш бўйича жамоатчилик назоратини таъминлашда нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб этиш ишларини ташкил этади;

нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда хотин-қизларнинг мамлакатимизни ривожлантиришга бўлган дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, рўй бераётган жараёнларни англаш ва муҳокама қилишга жалб этиш, шунингдек, уларни фаол фуқаролик позициясига эга бўлишларига ундайдиган тадбирларни ташкил этади;

заруратга кўра хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ижтимоий масалаларни ҳал қилиш жараёнларига фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, экспертлар ҳамда олимларни жалб этади;

н) маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга бириктирилган жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорликни таъминлаш соҳасида:

хотин-қизларни оила, маҳалла ва меҳнат жамоаларида ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, маънавиятини юксалтириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, замонавий намунали оилани шакллантириш, унинг маънавий-ахлоқий муҳитини ва анъанавий оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мақсадли чора-тадбирларни амалга оширади;

хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия ҳамда “Ота-оналар университети” жамоатчилик тузилмасининг фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштиради;

жамоатчилик тузилмалари таркибига фаол, фидойи, салоҳиятли, шахсий сифатлари билан маҳаллада обрў-эътиборга эга бўлган аҳоли вакилларини жалб этади;

оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, эрта никоҳ ва ажрашишларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни кўриш, оилавий ҳаёт масъулияти, эр-хотин, қайнона-келин муносабатлари ҳақида тушунтириш ишларини олиб боради;

хотин-қизларни ишга жойлаштириш, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига, кооперативларга, тадбиркорликка йўналтириш, касб-хунарга ва тадбиркорликка ўқитиш, ўзини ўзи мустақил равишда банд қилишни ривожлантиришга доир фаолиятни ташкил этишга масъул идораларга кўмаклашади;

туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари бошлиқлари, ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда мувофиқлаштириш.

нотинч ва муаммоли оилаларда хотин-қизлар билан соғломлаштириш ва низоли ҳолатларни бартараф этиш бўйича амалий ишлар олиб бориш, оила

аъзолари ва қариндошлар ўртасидаги оилавий муносабатларни яхшилашга қаратилган тушунтириш ишларини ташкил этади;

хотин-қизларга нисбатан жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатиш эҳтимоли мавжуд оилаларда тушунтириш ишларини олиб бориш, бундай ҳолатлар аниқланганда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашади;

оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёллар билан якка тартибда ишларни олиб боришда тегишли идоралар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва улар билан доимий равишда ахборот алмашади.

Қўмита қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

4-боб. Қўмита ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

1-§. Қўмитанинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

13. Қўмита ўзига юкланган вазифа ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, Қўмитага юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни белгиланган тартибда киритиш;

республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар учун бажарилиши мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, зарур ҳолларда, бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш;

Қўмитанинг ваколатига кирувчи масалаларда республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштириш;

хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши бўйича қонунчилик ҳужжатлари бажарилишини зарур ҳолларда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ходимлари иштирокида ўрганиш;

Қўмитага тегишли вазифаларни амалга ошириш учун зарур ҳолларда, давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассисларини жалб қилиш, ишчи гуруҳлар тузиш;

ўз ваколатларига кирувчи масалалар юзасидан давлат органлари ва ташкилотларидан статистика, таҳлилий материаллар, хулосалар ва бошқа маълумотларни сўраш ва олиш;

давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларига хотин-қизлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда оилани мустаҳкамлаш борасидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилиши, уларни келтириб чиқарувчи

сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

Қўмитанинг ваколатига кирувчи масалаларда, шунингдек, хотин-қизлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кўзлаб, судларга ариза (шикоят) ва даъволарни киритиш;

хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, оилани мустаҳкамлашга доир ташаббуслар билан чиқиш ҳамда таклифлар киритиш;

оилаларни мустаҳкамлаш ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш соҳасида илмий ва амалий тадқиқотлар ҳамда ишланмаларни амалга ошириш бўйича лойиҳаларни саралаб олиш учун танловлар эълон қилиш ва танлов комиссияларини тузиш;

ўзининг ташкилий тузилмаси доирасида Қўмита ва унинг идоравий тузилмаларига тегишли давлат мулкани белгиланган тартибда текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида бир ҳудудий бўлинмадан бошқасига бериш;

Қўмита ходимлари ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари ва туманлар (шаҳарлар) бўлимлари томонидан фаолият самарадорлигининг мақсадли кўрсаткичлари (KPI) бажарилишини ҳисобга олган ҳолда моддий рағбатлантириш тартибини, миқдорини ва шартларини белгилаш;

Қўмита ваколатига кирувчи масалалар бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Вазирлар Маҳкамасига, республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмаларига кўриб чиқиш учун киритиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг оилаларни мустаҳкамлаш ҳамда хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга оид масалаларни кўриб чиқиш билан боғлиқ мажлислари, йиғилишлари, шу жумладан, хайъат мажлисларида иштирок этиш;

Қўмита ваколати доирасида халқаро шартномалар ва идоралараро битимлар тузиш, халқаро, ҳукуматлараро битимлар лойиҳаларини тақдим этиш;

Қўмита ваколати доирасида Ўзбекистон Республикаси манфаатларини халқаро миқёсда ҳимоя қилиш;

ўзига юкланган вазифалар доирасида бевосита ёки Қўмитанинг идоравий мансуб бўлинмалари орқали хорижий тармоқ ташкилотлари, илмий ва таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш;

Қўмитанинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларида ички назорат, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ва қонунларга зид бошқа ҳаракатлар, шунингдек, Қўмита тизими ходимлари томонидан касбий ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш;

бошқарув ходимларининг белгиланган умумий чекланган сони доирасида Қўмита марказий апаратининг тасдиқланган тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

таркибий ва ҳудудий бўлинмаларнинг низомлари ҳамда бошқа ҳужжатлари, смета ва штат жадвалларини тасдиқлаш;

Қўмита тизимида кадрларни танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг малакасини ошириш жараёнларини самарали ташкил этиш;

Қўмита ваколатига кирадиган масалалар бўйича жорий ва стратегик вазифаларни ёритиш учун белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш, расмий веб-сайтлар, ижтимоий тармоқларда саҳифалар очиш, конференциялар, семинарлар, симпозиумлар, кўргазмалар, ярмаркалар ўтказиш, шунингдек, методик материаллар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

биноларга хизмат кўрсатиш, жиҳоз ва ускуналар, автотранспорт, алоқа ҳамда ҳисоблаш воситалари, компьютер ва ташкилий техника воситаларини сақлаш ва ишлатиш бўйича ишларни бажариш, дастурий таъминотни сотиб олиш тўғрисида белгиланган тартибда шартномалар тузиш;

Қўмита, унинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда Қўмитанинг идоравий бўйсунувидаги ташкилотларнинг моддий-техник базасини яхшилаш чораларини кўриш;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Қўмитанинг ижтимоий инфратузилмасини яратиш ва такомиллаштириш ҳамда Қўмита, унинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари ходимларини моддий рағбатлантириш ва мукофотлашнинг ягона тизимини шакллантириш.

Қўмита қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14. Қўмита:

ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни самарали бажариш, шунингдек, оилаларни мустаҳкамлаш ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатини самарали амалга ошириш;

ўз фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга сўзсиз эришилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва бошқа ҳужжатлар, шунингдек, Қўмита томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг сифати, пировард натижалари ва амалга оширилиши оқибатлари;

ўз фаолияти соҳасини ривожлантириш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, “йўл хариталари” ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг самарали амалга оширилиши;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларига риоя этилишини ва уларнинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш учун жавоб беради.

2-§. Қўмита ҳудудий бўлинмаларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

15. Қўмитанинг ҳудудий бўлинмалари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

оилаларни мустаҳкамлаш ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга оид қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилишини, шу жумладан, ҳудудларда

хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилишини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

ўз ваколатларига кирувчи масалалар юзасидан давлат органлари ва ташкилотларининг ҳудудий бўлинмаларидан статистика, таҳлилий материаллар, хулосалар ва бошқа маълумотларни сўраш ва олиш;

давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларига хотин-қизлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда оилани мустаҳкамлаш борасидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилиши, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

ваколатига кирувчи масалаларда, шунингдек, хотин-қизлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кўзлаб, судларга ариза (шикоят) ва даъволарни киритиш;

давлат органлари ва ташкилотлари ҳудудий бўлинмаларининг оилаларни мустаҳкамлаш ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга оид масалаларни кўриб чиқиш билан боғлиқ мажлислари, йиғилишлари, шу жумладан, ҳайъат мажлисларида иштирок этиш;

ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва ҳўжалик бирлашмаларининг ҳудудий бўлимлари, шунингдек, илмий ташкилотларнинг юқори малакали мутахассисларини жалб қилиш.

Қўмитанинг ҳудудий бўлинмалари ўз ваколатлари доирасида ўзларига юкланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

16. Қўмитанинг ҳудудий бўлинмалари:

ўзларига юкланган вазифалар ва функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

ўз фаолияти билан боғлиқ бўлган мақсадли кўрсаткичларга эришилишини таъминлаш;

Қўмига, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига киритилаётган ҳужжатлар лойиҳалари ва таклифлар, шунингдек, Қўмитанинг ҳудудий бўлинмалари томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг сифати, пировард натижалари ва амалга оширилиши оқибатлари;

ўз фаолияти соҳасини ривожлантириш, муаммоларни ҳал қилиш учун дастурларни, ҳаракат режаларини, “йўл хариталари”ни ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг белгиланган тартибда ишлаб чиқилиши ҳамда самарали амалга оширилиши;

тегишли ҳудудда оилаларни мустаҳкамлаш ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг самарали амалга оширилиши ҳолати тўғрисида Қўмига ҳаққоний таҳлилий ва бошқа ахборотнинг тақдим этилиши;

хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш учун жавоб беради.

5-боб. Қўмита раҳбарларининг асосий функционал вазифалари

17. Қуйидагилар Қўмита раисининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

Қўмита фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Қўмитага Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Қўмита фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича танқидий ва чуқур таҳлилларни ўтказиш;

Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари ҳамда таркибий бўлинмалари фаолияти билан боғлиқ истиқболдаги кўрсаткичларга эришишни таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек, тегишли вазирликлар ва идоралар билан Қўмита фаолиятига тааллуқли бўлган масалалар бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш, Вазирлар Маҳкамаси йиғилишларида ва унинг Раёсати мажлисларида кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан қатнашиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири кўрсатмаларини бажариш;

ўз ўринбосарларининг ваколатларини белгилаш, улар ўртасида мажбуриятларни тақсимлаш, Қўмитанинг бошқа мансабдор шахсларининг ваколатларини белгилаш, Қўмита фаолиятининг маълум бир соҳаларини бошқаришда ўз ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлик даражасини белгилаш;

Қўмитанинг фаолияти режалаштирилишини ташкил этиш, даврий иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

бошқарув лавозимларидаги хотин-қизлар улушини ошириш;

олий таълим муассасаларида талабалар орасида хотин-қизлар улушини ошириш;

хотин-қизларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўламини ошириш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни манзилли қўллаб-қувватлаш;

республикада хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтиришга кўмаклашиш;

тадбиркор хотин-қизларнинг лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва янги бизнес ғояларига ёрдам бериш орқали янги иш ўринларини ташкил қилиш;

хунармандларга эҳтиёжманд, ишсиз хотин-қизларни бириктириш орқали уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш;

Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказларини ташкил этиш;

Қўмита тизимида рақамлаштиришни жорий этиш;

оила институтини мустаҳкамлаш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, маҳаллаларда низоларни барвақт аниқлаш, низоли оилаларни соғлом турмуш тарзига қайтариш;

“Соғлом оила – соғлом жамият” шиори остида оилалар фаровонлиги ва барқарорлигини таъминлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, масъулиятли ота-оналик ғоясини сингдириш тадбирларини ташкил этиш;

давлат томонидан эҳтиёжманд хотин-қизларга махсус жарроҳлик амалиёти ўтказилишига кўмаклашиш;

иктидорли хотин-қизларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш;

хотин-қизлар ўртасида илм-фан ва инновацияларни ривожлантириш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда мақсадли лойиҳаларни амалга ошириш, форум, конференция, танлов, кўргазма, семинарлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил қилиш;

оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган ва турар жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш;

миграциядан қайтган, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларнинг ижтимоий мослашувига, улар билан манзилли ишлаш орқали зарур ёрдамлар олишларига кўмаклашиш;

жамиятда хотин-қизларга қаратилган тазйиқ ва зўравонликка нисбатан тарғибот тадбирлари орқали муросасизлик муҳитини яратиш;

хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий имкониятларини ошириш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш;

Қўмита ходимлари, ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар ходимларининг малакасини оширишни ташкил этиш;

Қўмита тизимида ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар кадрлари захирасини шакллантириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси номенклатурасига кирадиган бўш лавозимларга таклиф этилган кадрларнинг, шунингдек, Қўмитага ишга қабул қилинаётган бошқа кадрларнинг профессионаллиги ва ўз ишини билиши, юксак даражадаги ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси топшириқлари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқилишини, улар “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”,

“Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талабларига мувофиқ равишда ўз вақтида киритилишини ташкил этиш, уларнинг Вазирлар Маҳкамасида пухта ишланишида, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти ҳузурида ҳимоя қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида кўриб чиқилишида иштирок этиш;

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”, “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 октябрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қонун лойиҳаларига доир фаолиятининг намунавий регламентига мувофиқ Қўмитанинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш фаолиятини ташкил этиш;

Қўмита ваколатига кирадиган масалалар бўйича буйруқлар, фармойишлар чиқариш, кўрсатмалар бериш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, зарур бўлганда бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тегишли қарорлар қабул қилиш;

Қўмитага тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқилишини таъминлаш, уларни пухта ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий бошқа турдаги экспертизадан ўтказиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида белгиланган муддатларда келишиш (виза қўйиш);

Қўмита раҳбарлари ва ходимларининг хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида” 2014 йил 5 мартдаги ПК–2142-сон ҳамда “Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПК–3137-сон қарорлари талабларига мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

Қўмита раисининг ўринбосарлари, ҳудудий бошқармалар ва таркибий бўлинмалар раҳбарлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижаларини тизимли равишда танқидий таҳлил қилиш, Қўмита йиғилишларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, натижалар асосида зарур чоралар кўриш;

Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг раҳбарлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

Кўмита ходимларини рағбатлантириш ёки интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, шу жумладан, эгаллаб турган лавозимларда қолишининг мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиш тўғрисида таклифлар киритиш, уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

Кўмита ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари асосида тасдиқланган Кўмита ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш;

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Кўмита тизимида коррупция ва бошқа қонунбузарликларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўриш, шунингдек, ҳуқуқ амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан уларни аниқлаш, таҳлил қилиш, юзага келтирувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

Кўмита, ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотларнинг ишларини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этишни таъминлаш;

Кўмита ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини таъминлаш, жумладан улар томонидан лавозим мажбуриятларини ёки хизмат ваколатларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслик чораларини кўриш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ишларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ самарали ташкил этиш, жамоатчилик билан бевосита ва очиқ мулоқот ўрнатиш, шахсан қабул қилишни мунтазам равишда ўтказиш, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари белгиланган муддатларда ва тартибда жойларга бориб қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ўзаро алоқани ташкил қилиш, уларнинг фаолиятида Кўмита раҳбарияти ва ходимларининг фаол иштирокини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сири ва махфий ахборотни ташкил қилган ахборот билан ишлашда қонунчилик талабларига риоя қилиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда, Ўзбекистон Республикаси судларида, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлат вакиллари иштирокида ўтказиладиган расмий тадбирларда Кўмита номидан иштирок этиш;

зарурат бўлганда, бошқарув ходимларининг белгиланган умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Қўмита марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг тасдиқланган тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

Қўмита марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари, шунингдек, Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлари тўғрисидаги низомларни ҳамда уставларни тасдиқлаш;

Қўмита марказий аппарати ходимлари, ҳудудий бошқармалари раҳбарлари билан қонунчиликда белгиланган тартибда меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш;

Қўмита марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари ва туманлар (шаҳарлар) бўлинмалари ходимлари бажариши шарт бўлган буйруқлар ва фармойишлар чиқариш ҳамда кўрсатмалар бериш;

Қўмита тизимида фаолият юритаётган ходимларни рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал этиш, алоҳида ўрнатилган кўрсатилган ходимларни Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофотлари билан тақдирлашга тақдим этиш, шунингдек, соҳа тармоқларини ривожлантиришда алоҳида ўрнатилган кўрсатилган ходимларни “Мўътабар аёл” кўкрак нишони, фахрий ёрлиқлар билан тақдирлаш ҳамда бошқа рағбатлантириш чораларини кўриш;

Қўмита мол-мулкани қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқариш;

Қўмита ходимларини ҳамда ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар ходимларини тизимли равишда тайёрлаш ва хорижий давлатларда уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

Қўмита ваколатига кирадиган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини имзолаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ва мониторингини юритишнинг амалий тизимини яратиш, Қўмитанинг фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармони ва “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон қарорига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши учун таркибий ва ҳудудий бўлинмалар ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш.

18. Қуйидагилар Қўмита раиси ўринбосарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиш;

Қўмита раиси вақтинча бўлмаганда, тегишли буйруқ асосида унинг вазифаларини бажариш;

Қўмитанинг ўзи назорат қиладиган идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва уларга бевосита раҳбарлик қилиш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

Қўмита фаолиятининг ўзи назорат қиладиган йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Қўмита фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва тадбирлар ижросини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

ўзи назорат қиладиган таркибий бўлинмалар томонидан мақсадли кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш чораларини кўриш, таркибий бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам эшитиш ва ушбу кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш;

ўзи назорат қиладиган таркибий бўлинмаларнинг режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилишини назорат қилишни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ва мониторингини юритишнинг амалий тизимини яратиш, Қўмита фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармони ва ““Ijro.gov.uz” ижро интизومي идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон қарорига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида сифатли ижро этилиши учун таркибий ва ҳудудий бўлинмалар ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

Қўмита ҳайъати қарорлари, Қўмита раисининг буйруқлари ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

ўзи назорат қиладиган таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича Қўмита раисига таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионалиги, ўз ишини билиши, юксак даражадаги ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлишини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш, мутасаддилик қилинадиган таркибий тузилмаларда кадрлар захирасини шакллантириш чораларини кўриш;

ўзи назорат қиладиган таркибий бўлинмалар томонидан норматив-хукукий ҳужжатлар лойиҳаларининг тўлиқ ва сифатли ишлаб чиқирилишини ташкил этиш, Қўмита таркибий бўлинмаларида тайёрланган ҳужжатлар лойиҳалари Қўмита раиси томонидан кўриб чиқирилиши ва имзоланиши (виза қўйрилиши) учун кўриб чиқириш ва виза қўйриш, уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ва ўз вақтида Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминлаш, шунингдек, норматив-хукукий ҳужжатлар лойиҳалари Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқирилишида Қўмита раисининг топшириғига асосан иштирок этиш;

Қўмитага тақдим этилган таклифлар ва норматив-хукукий ҳужжатлар лойиҳалари тўлиқ ва ўз вақтида кўриб чиқирилишини таъминлаш, уларни пухта хукукий, молиявий, иқтисодий ва бошқа экспертизадан ўтказиш;

хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон ва “Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3137-сон қарорлари талабларига тўлиқ мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

ўзи назорат қиладиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам танқидий таҳлил қилиш, Қўмита ҳайъати мажлисларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг яқунлари бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

соҳага оид масалалар бўйича Қўмита фаолиятини ривожлантиришга доир амалий чоралар кўриш, қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқириш ва уларни Қўмита раисига киритиш;

ўзи назорат қиладиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолиши мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқириш бўйича Қўмита раисига таклиф киритиш, функционал вазифалар ва юкланган вазифалар бажарилиши учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича тизимли чоралар кўриш;

“Коррупцияга қарши куралиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ таркибий бўлинмаларда коррупция ва бошқа ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳукуқни қўллаш амалиётини ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқириш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий

қоидалари асосида тасдиқланган Қўмита ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимлари, ўзи назорат қиладиган таркибий тузилмалар раҳбарлари ва ходимлари томонидан ушбу қоидаларга риоя этилишини таъминлаш;

давлат хизматлари самарадорлигини, улардан эркин фойдаланишни ва уларни кўрсатиш сифатини ошириш ҳамда “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ишларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ самарали ташкил этиш, жамоатчилик билан бевосита ва очиқ мулоқот ўрнатиш, шахсан қабул қилишни мунтазам равишда ўтказиш, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари билан белгиланган муддатларда ва тартибда жойларга бориб қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорликни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 2016 йил 28 декабрдаги ПФ-4904-сон Фармонида мувофиқ уларнинг фаолиятида фаол иштирок этишни, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан тушган барча мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

ўз фаолияти соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш, кадрларни, шу жумладан, хориждаги илғор илмий-тадқиқот муассасалари ва таълим марказларида қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш;

ўз фаолияти соҳасида хорижий давлатлар, халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

Қўмита тизимининг молиявий-иқтисодий асосларини ҳамда моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва бу борада аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш.

Жумладан, соҳа йўналишлари бўйича:

а) Қўмита раиси ўринбосарининг асосий вазифалари (*хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, гендер тенгликка эришиш, бандлик ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича*):

хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, касб-ҳунарга ўқитишни ташкил этиш;

республика ва ҳудудий “Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари” фаолиятини самарали ташкил этишида кўмаклашиш;

махаллалардаги хотин-қизлар фаоллари ишини мувофиқлаштириш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар билан ишлаш;

гендер тенгликни таъминлаш;

хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг билим ва кўникмаларини ривожлантириш ҳамда таълим олиш имкониятларини кенгайтириш;

хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш, шунингдек, зўравонликдан жабр кўрган шахсларга ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий ёрдам бериш ишларини ташкил қилиш;

бошқарув лавозимларидаги хотин-қизлар улушини ошириш;

олий таълим муассасаларида талабалар орасида хотин-қизлар улушини ошириш;

хотин-қизларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фаол фойдаланиши кўламини ошириш;

хотин-қизлар ўртасида илм-фан ва инновацияларни ривожлантириш;

маҳаллий Кенгашлар депутатлигига ўтказиладиган сайлов жараёнларида номзод хотин-қизларнинг улушини ошириш;

иқтидорли хотин-қизларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш;

хотин-қизлар ўртасида илм-фан ва инновацияларни ривожлантириш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда мақсадли лойиҳаларни амалга ошириш, форум, конференция, танлов, кўргазма, семинарлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил қилиш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни манзилли қўллаб-қувватлаш;

давлат томонидан эҳтиёжманд хотин-қизларни махсус жарроҳлик амалиётини ўтказиш;

республикада хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтиришга кўмаклашиш;

хотин-қизлар энг кўп ишлаши мумкин бўлган тармоқларда тегишли вазирлик ва идораларнинг мавжуд иш ўринларига бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, ишлаш истагида бўлган хотин-қизларни ушбу иш ўринларига жалб этиш орқали бандлиликка кўмаклашиш;

барча ҳудудларда “яшил” иқтисодиётни ривожлантиришга хотин-қизларни, хусусан, уй бекаларини жалб этиш;

“Edo.ijro.uz” электрон ички ҳужжатлар алмашинуви тизими орқали ҳужжатлар ижросининг таъминланишини назорат қилиш;

“Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали топшириқ ва вазифаларнинг ижросини таъминлаш ҳамда ташкилий ишларни мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ва мониторингини юритишнинг амалий тизимини яратиш, Қўмита фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш,

шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармони ва ““Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон қарорига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида сифатли ижро этилиши учун таркибий ва ҳудудий бўлинмалар ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

б) Қўмита раиси ўринбосарининг асосий вазифалари *(оила институтини мустаҳкамлаш, ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш ва миграция масалалари бўйича):*

“Соғлом оила – соғлом жамият” шиори остида оилалар фаровонлиги ва барқарорлигини таъминлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, масъулиятли ота-оналик ғоясини сингдириш тадбирларини ташкил этиш;

оила институтини мустаҳкамлаш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, маҳаллаларда низоларни барвақт аниқлаш, низоли оилаларни соғлом турмуш тарзига қайтариш;

“Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказлари”да никоҳланувчи шахсларни ўқитиш;

хотин-қизлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кўзлаб, судларга ариза (шикоят) ва даъволарни киритиш;

ноқонуний никоҳ асосида яшаётган оилаларнинг никоҳини қонуний расмийлаштириш чораларини кўриш;

хавфсиз миграцияни ташкил қилиш мақсадида ҳудудларда чет элга ишлаш учун чиқиш истагидаги хотин-қизлар билан суҳбатларни тизимли ташкил қилиш;

оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган ва турар жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш;

миграциядан қайтган, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларнинг ижтимоий мослашувиغا, улар билан манзилли ишлаш орқали зарур ёрдамлар олишларига кўмаклашиш;

жамиятда хотин-қизларга қаратилган тазйиқ ва зўравонликка нисбатан муросасизлик муҳитини яратиш;

ҳудудларда электр энергиясини тежаш мақсадида қуёш панелларидан фойдаланишни тарғиб қилиш;

“Edo.ijro.uz” электрон ички ҳужжатлар алмашинуви тизими орқали ҳужжатлар ижросининг таъминланишини назорат қилиш;

“Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали топшириқ ва вазифаларнинг ижросини таъминлаш ҳамда ташкилий ишларни мувофиқлаштириш;

хотин-қизлар масалалари бўйича фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик қилиш;

хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этиш;

оилавий, маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш;

“Ибратли оила”, “Мўътабар аёл” кўкрак нишонлари билан тақдирлашга оид чора-тадбирларни ташкил қилиш ва амалга ошириш;

ижтимоий реабилитация ишларини мувофиқлаштириш;

Қўмита тизимида ахборот технологиялари ва рақамлаштиришни жорий этиш;

Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссияси фаолиятини ташкил этишга оид чора-тадбирларни самарали амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ва мониторингини юритишнинг амалий тизимини яратиш, Қўмита фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармони ва ““Ijro.gov.uz” ижро интизومي идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПК–5132-сон қарорига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида сифатли ижро этилиши учун таркибий ва ҳудудий бўлинмалар ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш.

19. Қуйидагилар Қўмита марказий аппарати таркибий тузилмалари раҳбарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

тегишли бўлинма фаолиятига бевосита раҳбарлик қилиш, ушбу бўлинмага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини ташкил этиш;

Қўмитанинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари фаолиятини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштириш;

прогноз кўрсаткичларнинг бажарилишини мунтазам таҳлил қилиш ҳамда Қўмитанинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича таклифларни Қўмита раисининг назорат қилувчи ўринбосарларига киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ва мониторингини олиб боришнинг амалий тизимини яратиш, Қўмита фаолиятида ижро интизомини

мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармонида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ““Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон қарорига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида сифатли ижро этилиши учун таркибий ва ҳудудий бўлинмалар ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

Қўмита ҳайъати қарорлари, Қўмита раисининг буйруқлари ва фармойишлари, унинг ўринбосарлари кўрсатмалари ҳамда топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмаларнинг ҳар чораклик иш режалари ишлаб чиқирилишини таъминлаш, уларни тасдиқлаш учун киритиш, уларда кўрсатилган вазифалар ва тадбирлар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмаларга юкланган вазифалар бажарилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш, Қўмита ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятига амалий ва методик ёрдам бериш;

таркибий бўлинмалар фаолияти соҳаларига оид қонунчилик ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш учун Қўмита раҳбариятига киритиш;

таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда Қўмита ўринбосарларига таклифлар тақдим этиш, профессионаллиги, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш чораларини кўриш, таркибий тузилмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

таркибий бўлинмалар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқирилишини ташкил этиш, таркибий бўлинмаларда тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини Қўмита раиси томонидан кўриб чиқирилиши ва имзоланиши (виза қўйилиши) учун кўриб чиқиш ва виза қўйиш, улар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ва ўз вақтида Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқирилишида Қўмита раҳбарияти топшириғига асосан иштирок этиш;

таркибий бўлинмага тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш, уларни пухта ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий ва бошқа экспертизадан ўтказиш;

хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2014 йил 5 мартдаги

ПҚ–2142-сон ва “Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3137-сон қарорлари талабларига тўлиқ мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

таркибий бўлинмалар ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишда танқидий таҳлил қилиш, йиғилишларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг якунлари бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

Қўмита ходимларининг Қўмита ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимлари одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишини таъминлаш;

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ таркибий бўлинмаларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ кўриб чиқиш, жамоатчилик билан бевосита ва очик мулоқот ўрнатиш, шахсан қабул қилишни мунтазам равишда ўтказиш, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини белгиланган муддатларда ва тартибда жойларга бориб қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 2016 йил 28 декабрдаги ПФ–4904-сон Фармонида мувофиқ уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқиш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

иш юритиш соҳасидаги намунали ходимларни аниқлаш ва мукофотлаш юзасидан Қўмита раҳбариятига таклифлар киритиш.

20. Қуйидагилар Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари раҳбарларининг асосий функционал мажбуриятлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

ҳудудий бўлинмалар фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Қўмитанинг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан ушбу бошқармаларга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

ҳудудий бошқармалар ва туманлар (шаҳарлар) бўлимлари фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

ҳудудий бошқармалар ва туманлар (шаҳарлар) бўлимлари фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

ҳудудий бошқармалар ва туманлар (шаҳарлар) бўлимлари ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ижроси таъминланишини, ижро интизоми мустаҳкамланиши бўйича комплекс амалий чора-тадбирлар амалга оширилиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармонига ва ““Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПКҚ–5132-сон қарорига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида сифатли ижро этилиши учун таркибий ва ҳудудий бўлинмалар ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

Қўмита ҳайъати қарорлари, Қўмита раисининг буйруқлари, фармойишлари ва унинг ўринбосарлари кўрсатмалари ҳамда топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

Қўмита фаолияти соҳасига кирадиган масалалар юзасидан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ҳамкорлик қилиш;

ходимларнинг ваколатларини белгилаш, улар ўртасида мажбуриятларни тақсимлаш, ҳудудий бошқармалар ва туманлар (шаҳарлар) бўлимларини бошқаришда мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини белгилаш;

ҳудудий бошқармалар ва туманлар (шаҳарлар) бўлимлари фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, ҳар чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлаш;

ҳудудий бошқармаларда ва туманлар (шаҳарлар) бўлимларида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ҳудудий бошқарма кадрлар захирасини шакллантириш;

Қўмита раҳбари номенклатурасига кирадиган бўш лавозимларга таклиф этилган кадрларнинг, шунингдек, ҳудудий бошқармага ишга қабул қилинаётган бошқа кадрларнинг профессионалиги, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш;

ҳудудий бошқармалар ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, шу жумладан, улар эгаллаб турган лавозимда қолиши мақсадга мувофиқлигига доир масалаларни кўриб чиқиш, уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича чоралар кўриш;

ҳудудий бошқармалар ходимларининг ва туман (шаҳар) бўлимлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилишини таъминлаш;

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ ҳудудий бўлинмаларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

прогноз кўрсаткичларнинг бажарилишини мунтазам таҳлил қилиш ҳамда Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари ва уларнинг бўлинмалари ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришишини таъминлашга қаратилган қўшимча чоралар кўриш бўйича таклифларни Қўмитага киритиш;

ҳудудий бошқармалар ходимлари ва туман (шаҳар) бўлимлари раҳбарлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини тизимли равишда танқидий таҳлил қилиш, йиғилишларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг якунлари бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

ҳудудий бошқармалар ва уларнинг бўлинмалари фаолиятига оид масалалар бўйича қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, шунингдек, давлат хизматлари самарадорлиги, сифатини ошириш ва улардан эркин фойдаланиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда кўриб чиқиш учун Қўмита раҳбариятига киритиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очик мулоқотни йўлга қўйиш, мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, сайёр қабуллар ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 2016 йил 28 декабрдаги ПФ–4904-сон Фармонида мувофиқ уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқиш;

ҳудудий бошқармалар ходимларининг лавозим маошига мукофотлар, устамалар тўлаш, уларга моддий ёрдам бериш, уларни мукофотлаш, рағбатлантириш ва уларга интизомий чора қўллаш тўғрисида қарор қабул

қилиш, уларни давлат мукофотлари ва идоравий мукофотлар билан тақдирлаш тўғрисида Қўмитага таклифлар киритиш;

давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида, судларда ва ташкилотларда Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари ва уларнинг бўлинмалари манфаатларини ифода этиш;

хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш учун жавоб беради.

6-боб. Қўмита раҳбарларининг жавобгарлиги

21. Қўмита раиси:

мазкур Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан Қўмитага юкланган вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши, шунингдек, Қўмита ишидаги камчиликларни бартараф этиш бўйича чоралар кўрилиши;

амалга оширилаётган дастурлар, стратегия ва концепцияларда кўзланган натижаларга эришилиши, уларнинг оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга таъсири;

тегишли соҳалар ва тармоқларни ривожлантириш бўйича белгиланган параметрлар ва кўрсаткичларга эришишга қаратилган амалий чоралар ишлаб чиқирилиши ва амалга оширилиши;

Қўмита тизимида ижро интизомига қатъий риоя этилиши учун жавоб беради.

22. Қўмита раисининг ўринбосарлари:

қонунчилик ҳужжатлари билан юкланган йўналишлар ва соҳалар бўйича вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида бажарилиши ҳамда натижадорлиги;

мутасаддилик қилинаётган йўналишлар бўйича соҳаларнинг барқарор ривожланишини таъминлашга оид чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва натижадорлиги учун жавоб беради.

23. Қўмита марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари:

тегишли таркибий бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида бажарилиши ҳамда натижадорлиги;

фаолият йўналишларига оид қонунчилик ҳужжатлари, Қўмита раҳбарларининг топшириқлари бажарилишининг ҳолати тўғрисида Қўмитага ҳаққоний таҳлилий ва бошқа ахборотларни сифатли тайёрлаш ва ўз вақтида тақдим этиш юзасидан жавоб беради.

24. Қўмита ҳудудий бўлинмаларининг бошлиқлари:

юкланган вазифалар ва функцияларнинг сифатли бажарилишини ташкил этиш;

тегишли ҳудудда оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсати соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари, Қўмита раҳбарларининг топшириқлари

ўз вақтида ва сифатли бажарилиши бўйича таъсирчан назоратни амалга ошириш;

тегишли ҳудудда оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш ҳолати тўғрисида Қўмитага ҳаққоний таҳлилий ва бошқа ахборотларни ўз вақтида тақдим этиш юзасидан жавоб беради.

7-боб. Қўмита фаолиятини ташкил этиш

1-§. Қўмита раҳбарияти

25. Қўмитага Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси маъқуллаганидан кейин киритилган тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тасдиқланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган Бош вазир ўринбосари – Қўмита раиси раҳбарлик қилади.

Қўмита раиси ўз мақомига кўра Вазирлар Маҳкамаси аъзоси ҳисобланади.

26. Қўмита раисининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод қилинадиган икки нафар ўринбосари бўлади.

Қўмита раиси бўлмаган вақтда унинг ваколатлари вазифалар тақсимотига мувофиқ раис ўринбосарларидан бири томонидан амалга оширилади.

Қўмита раисининг ўринбосарлари мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва тиббий хизмат кўрсатиш шартларига кўра – тегишли равишда вазир ўринбосарларига, Қўмита марказий аппарати ходимлари – Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг марказий аппарати ходимларига, Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармалари раҳбарлари – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарларига, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари раҳбарлари – туман ва шаҳар ҳокимларининг ўринбосарларига, Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармалари ходимлари – Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармалари ходимларига тенглаштирилади.

27. Қўмита марказий аппаратининг таркибий (бошқарма, бўлим, бўлинма ва хизматлар) бўлинмалари, шунингдек, таркибий бўлинмалар раҳбарлари тегишлича Қўмита раисининг ўринбосарлари тақдимномаси бўйича Қўмита раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

28. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари – Оила ва хотин-қизлар бошқармалари бошлиқлари тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси билан келишган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

29. Туман (шаҳар)лар ҳокимларининг ўринбосарлари – оила ва хотин-қизлар бўлимлари бошлиқлари тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари – Оила ва хотин-қизлар бошқармалари бошлиқларининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси билан келишган ҳолда туман (шаҳар)лар ҳокимлари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

30. Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Оила ва хотин-қизлар бошқармалари таркибидаги бўлимлар ва туман (шаҳар)лар Оила ва хотин-қизлар бўлимлари мутахассислари лавозимга Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси марказий аппаратининг мутасадди бошқарма ва бўлимлари бошлиқларининг хулосаларига мувофиқ тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари – Оила ва хотин-қизлар бошқармалари бошлиқларининг буйруғига биноан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари – Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ўринбосарлари – вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармалари бошлиқлари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимларининг ўринбосарлари – туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари бошлиқларига 1 нафардан автомобиль ҳайдовчиси ва раҳбар котибаси (ёрдамчи ходимлар) ажратилади.

2-§. Қўмита марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги

31. Қўмита марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари томонидан таъминланади.

32. Қўмита марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари билан ўз фаолияти йўналишлари бўйича:

топшириқларни ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотларга етказди ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилади;

Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларига таркибий бўлинмаларнинг бевосита фаолияти масалалари бўйича сўровлар юборади ҳамда уларнинг ижро этилишини назорат қилади;

Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятини ўрганади, умумлаштиради, уни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва Қўмита раҳбариятига киритади;

Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш ва фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот ва ахборот материаллари, статистика ва бошқа маълумотлар ўрганилиши ва умумлаштирилишини ташкил этади;

Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг иш режаларини таҳлил қилади, уларнинг фаолиятини такомиллаштиришга доир чоралар кўради;

Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларидан тушган таклифларни кўриб чиқади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлари иштирокини ташкил этади, қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича улардан тушган таклифларни кўриб чиқади.

33. Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлари Қўмита марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилади. Жумладан:

Қўмита раҳбарияти топшириқлари ижроси ҳақида хабар беради;

белгиланган фаолият соҳасида қонунчилик ҳужжатларини амалга ошириш бўйича фаолият натижалари тўғрисида Қўмитанинг марказий аппаратида ахборот тақдим этади;

уларнинг фаолиятини текшириш ва ўрганиш натижасида ишда аниқланган камчиликлар ва қоидабузарликларни бартараф этиш натижалари тўғрисида хабар беради;

ўз фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни белгиланган муддатларда Қўмитанинг марказий аппаратида тақдим этади;

Қўмита ваколатига тааллуқли соҳалардаги муаммоларни ҳал қилишга қаратилган таклифларни Қўмитанинг марказий аппаратида юборади;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳудудий давлат органлари, комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ўзаро ҳамкорлик натижалари тўғрисида хабар беради;

ваколатли органлар томонидан ўтказилган ўз фаолиятини текшириш натижалари тўғрисида маълумот беради;

жойларда Қўмита ҳайъати йиғилиши, семинар, конференция, танлов, кўрик ва бошқа ташкилий тадбирлар ўтказиш тўғрисида таклифлар киритади.

3-§. Қўмитанинг давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги

34. Қўмита ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

35. Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари ўз ваколатлари доирасида давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

4-§. Қўмита ҳайъати, бошқа маслаҳат, консультатив ва эксперт органлари

36. Қўмитада раис (ҳайъат раиси), унинг ўринбосарлари (лавозими бўйича), шунингдек, унинг фаолиятининг асосий йўналишларини мувофиқлаштирувчи таркибий бўлинмалар ҳамда ҳудудий бўлинма ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларидан иборат таркибда ҳайъат тузилади.

Ҳайъат таркибининг сони ва шахсий таркиби Қўмита раисининг тақдимномасига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

37. Ҳайъатга қуйидаги вазифалар юкланади:

Қўмита фаолиятининг ушбу Низомда белгиланган асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

қонунчилик ҳужжатларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларида белгиланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш учун Қўмита тизими ходимлари ва раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш чораларини кўрган ҳолда, таркибий ва ҳудудий бўлинмалар ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботлари мунтазам равишда эшитилишини ташкил этиш;

тизимли равишда Қўмита фаолияти соҳасидаги ҳудудий ва тармоқ дастурлари амалга оширилишининг натижадорлигини ҳар чоракда ва мунтазам кўриб чиқиш;

Қўмита фаолияти доирасидаги долзарб масалаларни муҳокама қилишни таъминлаган ҳолда ҳайъатнинг кенгайтирилган, шу жумладан, жойларда сайёр мажлисларини ўтказишни ташкил этиш, шунингдек, юзага келган муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

Қўмита марказий аппарати ва унинг тизимига кирадиган лавозимлар номенклатурасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

Қўмита номенклатурасига кирадиган лавозимларга кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш масалаларини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари билан белгиланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун Қўмита раҳбарлари ва ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш ва шахсий жавобгарлигини ошириш.

Ҳайъат Қўмита ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиши мумкин.

38. Ҳайъат мажлисига республика ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари уларнинг ваколатига кирадиган масалалар юзасидан таклиф этилиши мумкин.

39. Ҳайъат, агар унинг мажлисида ҳайъат таркибининг ярмидан кўпи қатнашса, ваколатли ҳисобланади. Кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан қарорлар кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

40. Ҳайъат қарорлари Қўмита раисининг буйруқлари билан амалга оширилади.

41. Қўмита раиси ва ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, Қўмита раиси юзага келган келишмовчиликлар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берган ҳолда мустақил равишда қарор қабул қилади. Ҳайъат аъзолари ҳам Вазирлар Маҳкамасига ўз фикрини хабар қилиши мумкин.

42. Ҳайъат фаолиятининг тартиби унинг ҳайъат томонидан тасдиқланадиган регламенти билан белгиланади.

8-боб. Қўмита фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторлари

43. Қўмита фаолиятининг самарадорлиги мунтазам баҳоланади.

44. Қўмита фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тегишли мезонлар ва ишчи индикаторларга асосланади.

45. Қўмита фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш яқунлари бўйича:

Қўмита раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки уларга нисбатан интизомий жазо чоралари;

Қўмита фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари кўрилади.

46. Қўмита фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби қонунчилик ҳужжатларида белгиланади.

9-боб. Қўмита фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш

47. Қуйидагилар Қўмита фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитасини ривожлантириш ва ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаси маблағлари;

Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

48. Қўмитанинг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари ходимларининг иш ҳақи лавозим маоши, мукофотлар, қўшимча ҳақ, устамалар ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа рағбатлантирувчи тўловлардан иборат.

49. Қўмита бошқарув ходимларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига мувофиқ лавозим маошини белгилашда тариф коэффиценти марказий аппаратда – 1,8 бараварга оширилган миқдорда қўлланилади.

Қўмита марказий аппарати, унинг ҳудудий ва идоравий мансуб ташкилотлари ходимларининг лавозим маоши Ягона тариф сеткасининг тасдиқланган разрядлари бўйича белгиланади.

Қўмита ходимларининг иш ҳақи лавозим маоши, мукофотлар, қўшимча ҳақлар, устамалардан ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа тўловлардан иборат бўлади.

50. Қўмита марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармалари, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари ходимларининг умумий иш стажидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидаги миқдорда кўп йиллик ишлаганлик учун ҳар ойлик устама тўланади (рағбатлантириш коэффиценти инобатга олган ҳолда лавозим маошига нисбатан коэффицентларда):

- 1 дан 3 йилгача — 0,3;
- 3 дан 5 йилгача — 0,6;
- 5 дан 10 йилгача — 0,8;
- 10 дан 15 йилгача — 1,0;
- 15 дан 20 йилгача — 1,2;
- 20 дан юқори — 1,5.

Қўмита ҳузуридаги бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобидан қонунчиликда белгиланган ишламайдиган байрам кунларида ва бошқа муҳим саналарда мукофотлаш, шунингдек, устама, рағбатлантириш ва қўшимча ҳақ, мукофотлар ва иш ҳақига бошқа тўловлар миқдори Қўмита раиси томонидан белгиланади.

Шунингдек, Қўмита ҳузуридаги бюджетдан ташқари Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитасини ривожлантириш ва ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаси ҳисобидан:

а) энг ташаббускор ва самарали ишлаган Қўмитанинг марказий аппарати ходимларига лавозим маошининг икки юз фоизигача, Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармаларининг ходимларига лавозим маошининг юз фоизигача, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимларининг

ходимларига лавозим маошининг етмиш беш фоизигача ойлик қўшимча ҳақлар ва устамалар;

б) нуфузли халқаро рейтинг ташкилотларининг юқори 500 талик рўйхатига киритилган хорижий олий таълим муассасаларини (бакалаврият, магистратура) тамомлаган ёки уларда илмий даража (PhD ва унга тенглаштирилган бошқа илмий даража) олган ёш мутахассис ходимларга – Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 13 июлдаги ПФ–6260-сон Фармонида белгиланган тартиб ва миқдорларда тўлаб бериладиган қўшимча устамалар;

в) илмий даражага (PhD, DSc) эга ходимларга – лавозим маошининг 60 фоизигача (PhD – 30 фоиз, DSc – 60 фоиз) миқдорида қўшимча устама.

Ходимларни қўшимча моддий рағбатлантириш тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда Қўмита раиси томонидан тасдиқланади.

Қўмита ҳузуридаги бюджетдан ташқари Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитасини ривожлантириш ва ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ходимларга қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тўловлар ҳам тўланиши мумкин.

Қўмита марказий аппаратининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича тўловлар жамғарма ҳисобидан амалга оширилади.

Бунда ушбу бандда назарда тутилган тўловлар жамғарма молиявий ҳолатидан келиб чиқиб тўланади.

51. Қўмита марказий аппарати, ҳудудий бошқармалар ва туман (шаҳар) бўлимлари ходимларига ойлик устамалар, моддий ва кўп йиллик меҳнати учун рағбатлантиришлар тарзидаги лавозим маошларига қўшимча тўловлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади, шунингдек, Қўмита хайъати томонидан тасдиқланади.

**10-боб. Қўмитанинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси,
Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳамда Вазирлар Маҳкамасига
ҳисобот бериши**

52. Қўмита раҳбарлари ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлинмаларига ва Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

53. Қўмита раиси ҳар йили Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясига Қўмита фаолияти юзасидан ҳамда соҳадаги тизимли муаммолар ва уларнинг ечими тўғрисида ахборот бериб боради.

Қўмитанинг ҳудудий бўлинмалари бошлиқлари ҳар ярим йилда Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича ҳудудий комиссияларга Қўмита ҳудудий бўлинмалари фаолияти юзасидан ҳамда соҳада учраётган долзарб муаммо ва камчиликлар ҳамда уларнинг ечими бўйича ахборот беради.

54. Қўмита Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси билан ўзаро ҳамкорлик қилиш доирасида:

ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини белгиланган тартибда киритади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш учун республика ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари билан биргаликда ўз фаолияти соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш, давлат бошқаруви тизимини мақбуллаштиришга қаратилган таклиф, тавсия ва таҳлилий маълумотлар тайёрланишини таъминлайди;

оилаларни мустаҳкамлаш ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлашнинг энг муҳим йўналишлари ҳамда вазифаларни амалга оширишда мавжуд тизимли муаммо ва камчиликларнинг мунтазам равишда кўриб чиқилишини ташкил қилади;

белгиланган тартибда бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

55. Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти Қўмита раҳбарларининг фаолиятини юкланган вазифаларнинг улар томонидан самарали бажарилиши бўйича доимий мониторинг қилиб боради, Қўмита фаолияти самарадорлигини ҳолисона баҳолайди.

56. Мониторинг ва баҳолаш натижаларига кўра Қўмитанинг алоҳида ўрнатилган ходимларини рағбатлантириш чоралари кўрилади, жиддий камчиликларга йўл қўйган ходимларга нисбатан эса тегишли жавобгарлик чоралари қўлланилади.

11-боб. Яқунловчи қоида

57. Қўмита қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил “12” августдаги 500-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитасини
ривожлантириш ва ходимларини моддий рағбатлантириш
жамғармаси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитасини ривожлантириш ва ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонунчилик ҳужжатларига, шунингдек, мазкур Низомга мувофиқ амалга оширади.

3. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитасида (кейинги ўринларда – Қўмита) юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тузилади.

4. Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида очилган Қўмитанинг шахсий ғазна ҳисобварағида йиғилади.

5. Жамғарма маблағлари Қўмитанинг бюджетдан ташқари махсус ҳисобварағида жамланади.

2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш тартиби

6. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

2024 йилдан бошлаб ҳар йили Давлат бюджети параметрларида Жамғарма учун 15 млрдгача миқдорда назарда тутиладиган маблағлар;

вақтинча бўш турган маблағларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;

халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Қўмита Жамғармага маблағлар тушишининг тўлиқлигини назорат қилади.

3-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тартиби

8. Жамғарма маблағлари қуйидаги мақсадларга йўналтирилади:

Қўмитанинг вазифаларини самарали амалга ошириш;

Қўмитанинг коммунал, алоқа, қўриқлаш харажатларини қоплаш, автотранспорт харажатлари, уларнинг моддий-техник ҳолатини яхшилаш, таъмирлаш ҳамда сақлаш, шу жумладан, зарур замонавий ускуналар, мебель, инвентарлар билан жиҳозлаш, автотранспорт воситалари ва қурилмаларини харид қилиш ва уларни таъмирлаш ҳамда бошқа товар-моддий қимматликларни харид қилиш;

ахборот-коммуникация, мультимедиа ва тармоқ қурилмалари, техника воситалари ҳамда дастурий таъминотларни харид қилиш, замонавий технологияларни жорий этиш ва сақлаш, почта хизматлари маълумотлар базасини шакллантириш;

Қўмита ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

ўз хизмат фаолиятида юқори натижаларга эришган Қўмита ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш, шу жумладан, санаторий-курорт ва тиббий хизмат кўрсатиш, юқори касб маҳорати ҳамда алоҳида ўрнатилган кўрсатилган Қўмита ходимларига лавозим маошининг 2 бараваригача миқдорда ҳар ойлик устамалар белгиланган ҳолда уларни моддий рағбатлантириш ёки бир йўла мукофотлаш;

байрамлар, юбилей муносабати билан ҳамда давлат нишонлари ва унвонлари берилганлиги муносабати билан лавозим маошининг 1 бараваригача миқдорда мукофот пуллари бериш;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари билан белгиланган илмий унвонлар учун белгиланган устамалар ва бошқа турдаги устамаларни тўлаш;

ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш (ходимнинг никоҳ ва фарзанд тўйларини ўтказиш, яқин қариндошларининг вафот этиши, соғлиғини тиклаш билан боғлиқ ҳолатлар);

Қўмита раҳбар ва ходимларини хорижий бошқарув идоралари, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларга тажриба ўрганиш ва ҳамкорлик ўрнатиш мақсадларида хорижий хизмат сафарига юбориш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш;

Қўмита томонидан ўтказиладиган тадбирларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш;

уй-жой билан таъминланмаган Қўмита марказий аппарати ходимларига амалдаги сарф-харажатлар доирасида уй-жойни ижарага бериш шартномасига мувофиқ уй-жойларни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун белгиланган тартибда ҳар ойлик компенсация тўлаш;

Қўмита ходимларига устама тўловлари кундалик овқатланиш ва транспорт харажати учун компенсация тўловлари ходимга ҳақиқатда ишлаган даври (иш кунлари) учун тўлаш;

ходим вафот этганда, ходимнинг ойлик лавозим маошининг ўн бараваридан ошмаган миқдорда бир йўла моддий ёрдам бериш. Бунда моддий ёрдам турмуш ўртоғига тўлаб берилади, агар ходимнинг турмуш ўртоғи бўлмаса, моддий ёрдам фарзандларига ёки қонуний вакилларига (васийлари ва ҳомийларига) ёхуд уларнинг вояга етмаган фарзандларини асраб олган шахсларга тўланади, шунингдек, ходим турмуш қурмаган бўлса, моддий ёрдам унинг ота-онаси ёки боқимандалари ўртасида тенг улушларда тақсимланади;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Қўмита фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган бошқа тадбирлар.

Мазкур бандда назарда тутилган қўшимча тўловларнинг жорий йил учун Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметасида тасдиқланган параметрлардан ортиб кетмаслигига Қўмита раиси шахсан масъул ҳисобланади.

9. Жамғарма маблағлари Қўмита раиси томонидан тасдиқланган ҳамда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган даромадлар ва харажатлар сметасига мувофиқ тегишли ғазна ҳисобварақларидан сарфланади.

10. Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметаси келгуси йилда молиявий маблағлар тушишининг кутилаётган прогнози ва амалга оширилиши белгиланган тадбирларни ўтказишдан келиб чиққан ҳолда тузилади.

11. Жамғарманинг жорий йилда фойдаланилмаган маблағлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига олиб қўйилмайди ва улардан кейинги йилда фойдаланилади.

12. Жамғарма маблағлари Қўмита раиси томонидан бошқарилади ва тақсимланади.

13. Жамғарма маблағларидан қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа мақсадларда Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларига мувофиқ фойдаланилиши мумкин.

14. Жамғарманинг ҳисобот йилида фойдаланилмаган маблағлари (қолдиқ маблағлар) кейинги ҳисобот йилига ўтади ва мазкур Низомда назарда тутилган тартибда фойдаланилади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

15. Жамғарма маблағларининг ҳисоби ва ҳисоботи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда юритилади ва тақдим этилади.

16. Жамғарма маблағларидан оқилона ва мақсадли фойдаланиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қилинади.

17. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

18. Ушбу Низомни амалга оширишда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил “12” августдаги 500-сон қарорига
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг
ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган баъзи қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 4 июлдаги 358-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2023 йил 15 декабрдаги 665-сон қарорига 1-илованинг 23-банди.

